

“ 6 ” июн 2022 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” давлат унитар корхонаси номидан, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 05 июлдаги 262-К-сонли буйруғи ҳамда корхона Низоми асосида иш юритувчи директор вазифасини вақтинча бажарувчи А.Н.Худайбердиев бир томондан “AK-SARAY CONSTRUCTION PROJEKT” масъулияти чекланган жамияти кейинги ўринларда “Бош лойиҳачи” деб юритиладиган, жамиятнинг Низоми асосида иш юритувчи директори М.Х.Холиқов иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, қуйидагилар юзасидан мазкур шартномани туздилар.

1. Шартнома мавзуси

1.1. Бош лойиҳачи Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК танлов комиссиясининг 2022 йил 2 июндаги ЛОТ №93714 сонли баёнига мувофиқ ғолиб деб топилган бўлиб, мазкур шартномага кўра Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги шаҳарсозлик ҳужжатлари хулосасини олиш (зарур бўлганда) (кейинги ўринларда лойиҳаолди ва лойиҳа смета ҳужжатлари деб аталади) мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Буюртмачи эса бажарилган ишларни қабул қилиш ва уларга ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Бош лойиҳачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бўйича амал қилиш муддати чекланмаган 11.07.2020 йилдаги АЛ-001254-сонли лицензияга эга.

1.3. Ишлаб чиқиладиган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатлари рўйхати, қиймати ва бажариш муддатлари ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-иловада келтирилган.

1.4. Бош лойиҳачи кўрсатиб ўтилган ишларни “Корхона, бино ва иншоотлари лойиҳа-смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш ҳақида”ги 1.03.01-03 ШНК қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.5. Бош лойиҳачи томонидан тайёрланган топшириқ Буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб Тарафлар учун мажбурий ҳисобланади.

Бош лойиҳачи лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ ва бошқа дастлабки маълумотларда кўрсатилган талабларни бажариши шарт ва улардан фақат Буюртмачининг розилиги билан четга чиқиш ҳуқуқига эга.

1. Шартнома баҳоси ва тўлов қондалари

2.1. Мазкур шартноманинг қиймати ҚҚС билан 30 000 000,00 (ўттиз миллион) сўмни ташкил этади.

Мазкур суммага Бош лойиҳачининг лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли органлар ва ташкилотлар билан келишиш, экспертизадан ўтказиш, ҳимоя қилиш ҳамда бошқа жараёнларнинг барча харажатлари киритилган.

2.2. Шартнома бўйича барча тўловлар ушбу мақсадлар учун бюджет маблағлари ажратилишига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

2.3. Буюртмачи шартномани Молия вазирлигининг Ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилган ва ушбу мақсадлар учун маблағ ажратилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида шартнома қийматининг 30% миқдоридagi бўнак тўловини амалга оширади. Бўнак тўловининг миқдори ҚҚС билан 9 000 000,00 (тўққиз миллион) сўмни ташкил этади.

Тўловнинг қолган қисми тайёр бўлган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактуралар тарафлар ўртасида имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни давомида амалга оширилади.

2.4. Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича бажарилган ишлар учун жорий молиялаштириш Буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномалар асосида олдиндан ажратилган бўнак маблағи ушлаб қолиниб амалга оширилади.

2.5. Бош лойиҳачининг жорий молиялаштириш ишларни топшириш-қабул қилиш оралик далолатномалари имзолангандан сўнг **5 (беш)** банк иш кунида амалга оширилади.

2.6. Якуний ҳисоб-китоб лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича экспертиза хулосаси олингандан сўнг, бажарилган ишлар топшириш-қабул қилиш далолатномаси топширилгандан сўнг амалга оширилади.

2.7. Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар қийматини бир томонлама кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

2. Ишларни бажариш муддатлари

3.1. Бош лойиҳачи мазкур шартномага асосан лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини куйидаги муддатларда бажаради:

- ишларни бошланиши биринчи бўнак тўлови олган куни ҳисобланади;

- ишларни тугатиш муддати мазкур шартноманинг 1-иловаси билан белгиланади;

3.2. Бош лойиҳачи ишларни муддатидан олдин бажаришга ҳақли, Буюртмачи эса ишларни қабул қилишга ва уларнинг қийматини шартномада келишилган шартларда ва муддатларда тўлашга мажбур.

3.3. Бош лойиҳачига боғлиқ бўлмаган ҳолда Буюртмачи томонидан молиялаштириш кечиктирилганда ёки бирламчи маълумотлар ўз вақтида тақдим қилинмаган ҳолларда ишларни давом эттириш муддати молиялаштиришнинг кечиктирилган ёхуд бирламчи маълумотлар тақдим қилиниши кечиктирилган вақтга мутаносиб тарзда узайтирилади.

3.4. Бош лойиҳачи мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажаришда учинчи шахсни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга. Бундан Бош лойиҳачи ишларнинг камида 30 фоизини бажариши лозим.

3.5. Лойиҳа ишларини тугатиш муддати **10 (ун)** кун.

4. Томонлар мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Шартнома бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошириши ҳамда топширилган-қабул қилиб олинган ишлар учун мазкур шартномада келишилган тартибда ҳисоб-китоб қилиши;

4.1.2. Ишнинг ўз вақтида бошланишини, уларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун шарт-шроит яратилиши;

4.1.3. Бош лойиҳачининг хўжалик фаолиятига халақит бермасдан, бажарилган ишлар сифатини, уларни ишлаб чиқариш шартларига риоя қилинишини назорат қилиб бориш;

4.1.4. Бош лойиҳачидан олинган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат шартномада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини Бош лойиҳачининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслиги ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслиги;

4.1.5. Лойиҳа ишларини бажаришда шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда Бош лойиҳачига хизмат кўрсатиши, лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларни тайёрлаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва зарур ҳужжатларни тақдим қилиши;

4.1.6. Тайёр бўлган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан келишиб олишда Бош лойиҳачи билан бирга қатнашиши;

4.1.7. Бош лойиҳачи ишлар унинг лозим даражада бажарилмаганлиги аниқланган тақдирда уларни бартараф этиш учун оқилона муддат белгилаш;

4.1.8. Бош лойиҳачига иш натижасининг сифатсизлиги юзасидан талаблар билан чиқиш;

4.1.9. Тайёрланган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга Бош лойиҳачини жалб қилиши шарт.

4.2. Бош лойиҳачининг мажбуриятлари:

4.2.1. Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни лойиҳалаш ҳақидаги топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ҳамда

келишилган график асосида вақтида бажариши, Буюртмачи билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиши;

4.2.2. Тайёр бўлган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича белгиланган тартибда давлат органларидан тегишли экспертиза хулосаларини олиш.

4.2.3. Тайёр бўлган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан келишиб олиши, шунингдек, Буюртмачи билан бирга давлат органлари ва ташкилотлари билан келишиб олиш. Бундай келишувлар Бош лойиҳачи ҳисобидан ташкиллаштирилади ва амалга оширилади;

4.2.4. Тайёр бўлган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини шартномада белгиланган муддатларда Буюртмачига топшириши;

4.2.5. Буюртмачининг лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги ёзма кўрсатмаларини, агар ушбу кўрсатмалар мазкур шартномага зид бўлмаса бажариши;

4.2.6. Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатлари сифати ва таркиби бўйича асосланган талабнома юборилган кундан бошлаб **10 (ўн)** кун ичида камчиликларни бартараф қилиш;

4.2.7. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

4.2.8. Шартнома мавзуси юзасидан субпудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

4.2.9. Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни шартномада кўрсатилган муддатда ва ҳажмларда бажариб Буюртмачига топшириш;

4.2.10. Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни қабул қилиш вақтида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш.

4.2.11. Қурилиш мавсуми якунигача объектда муаллифлик назоратини олиб бориш.

5. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

5.1. Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилганда ҳамда ҳужжатларга ижобий экспертиза хулосаси олингандан сўнг Бош лойиҳачи томонидан расмийлаштирилиб Буюртмачига топширилиши керак бўлган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қоғоз шаклида ҳамда электрон шаклларда (Word, Excel, PDF ёки Буюртмачи билан келишилган бошқа шаклларда) Буюртмачига топширилади.

5.2. Буюртмачи лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 5.1-бандида келишилган шаклда олгандан сўнг **10 (ўн)** кун мобайнида ишларни қабул қилади. Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб **10 (ўн)** кун муддат ичида Бош лойиҳачига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бош лойиҳачига топшириши шарт.

5.3. Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг топшириш-қабул қилиш далолатномасининг имзоланиши унга нисбатан барча мутлақ ҳуқуқларнинг Бош лойиҳачидан Буюртмачига ўтганлигини тасдиқлайди.

5.4. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.5. Агар лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бажариш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар **5 (беш)** кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва **15 (ўн беш)** ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

5.6.Тарафлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзaro ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

5.7.Лозим топилган ҳолларда тарафлар холис экспертларга лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5.8. Бош лойиҳачи ишлаб чиқиладиган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг техник топшириққа, техник шартларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига, давлат стандартларига, ваколатли ташкилотларнинг таклифларига ва мулоҳазаларига мувофиқлигини ҳамда аниқланадиган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилинишини кафолатлайди.

6.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

6.1.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, тарафлар бундай қисман ва тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2.Агар энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Буюртмачи ва Бош лойиҳачи ишларни давом эттириш ёки уларни қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

6.3.Агар тарафлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда тарафлар шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.4.Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.5.Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судда кўриб чиқилади.

7. Махфийлик

7.1.Тарафлар бир-биридан олган ёки ушбу шартнома бўйича ишларни бажаришда уларга маълум бўлган маълумотларнинг махфийлигини, шунингдек мазкур шартномага мувофиқ бошқа томоннинг розилигини олмасдан учинчи томонга бирон-бир маълумотни ошкор қилмаслик қилмаслик мажбуриятини оладилар.

7.2.Мазкур шартноманинг 7.1-банди талаблари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ваколатли ташкилотларнинг талабига мувофиқ махфий маълумотларни ошкор қилиш ҳолатларига тааллуқли эмас.

8. Тарафларнинг мулкий жавобгарлиги

8.1. Бош лойиҳачи лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

8.2. Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бош лойиҳачи Буюртмачининг талаби билан лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

8.3.Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

8.4.Мазкур шартномада белгиланган муддатда молиялаштирмаганлиги учун Буюртмачи Бош лойиҳачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг **0,4 фоизи** миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган қисмининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

8.5. Бош лойиҳачи ишларни ўз вақтида бажариш бўйича мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган

қисмининг **0,4 фоизи** миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома бажарилмаган қисмининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

8.6. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаган тақдирда Бош лойиҳачи сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **20 фоизи** миқдориди жарима тўлайди. Сифатсиз бажарилган ишлар ва унинг қиймати Буюртмачи ва Бош лойиҳачи ўртасидаги далолатнома асосида расмийлаштирилади. Жарима ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси далолатнома тузилгандан сўнг 10 банк куни ичида Бош лойиҳачига тақдим этилади ва Бош лойиҳачи томонидан 10 банк иш куни ичида тўлаб берилади. Бош лойиҳачи томонидан жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди орқали ундирилади.

8.7. Пеня ва жарима тўлаш Тарафларни келгусида шартнома шартларини бажаришликдан озод қилмайди.

8.8. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни қоплайди.

8.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалалар музокаралар ёрдамида ҳал қилинмаган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачи жойлашган жойдаги ваколатли суд органи томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

10. Шартномани ўзгартириш, бекор қилиш ва унга қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар копланган ҳолда йўл қўйилади.

10.2. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бош лойиҳачининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати кечиктирилса;

- Бош лойиҳачининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган танлов ҳужжатларидаги техник топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

10.3. Бош лойиҳачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бош лойиҳачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан тўхтатилса;

- Буюртмачи бажарилган ишларнинг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

10.4. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 15 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

10.5. Шартномани бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

11. Якунловчи қоидалар

11.1. Лойиҳаолди ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича ишлар натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса, уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бош лойиҳачи томонидан ва унинг ҳисобидан амалга оширилади.

11.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бош лойиҳачининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

11.3. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кирган ҳисобланади ва шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 йил;

11.4. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради.

11.5. Мазкур шартнома давлат тилида икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади.

11.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

12. Тарафларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

“Тиббиёт қурилиш инжиниринг”
давлат унитар корхонаси

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,
Боғубустон кўчаси 143 ўй.
х/р 2340 2000 3001 0000 1010
МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри
Банк код рақами 00014
СТИР 201 122 919
ш.х/р: 40040860262804096524054001
ЎзР МВ Ғазначилик Амалиёт
Бошқармаси СТИР 202 017 477
ОКЭД 70220

Директор В.В.Б.
А.Н.Худайбердиев

М



“Бош лойиҳачи”

“AK-SARAY CONSTRUCTION
PROJEKT” масъулияти чекланган
жамияти

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,
Арнасой кўчаси 3А-уй
х/р 2020 8000 9052 3216 4001
АТБ Халқ банк
Чилонзор филиали,
Банк код рақами 00825,
СТИР 307 405 454,
ОКЭД 41100
тел: (90) 9163634

Директор
М.Х.Холиков

М.У



КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ

№	Шартнома бўйича ишларнинг номи ва уни амалга оширишнинг асосий босқичлари, лойиҳалаш босқичи	Тугатиш муддатлари	
		Бошланиши: ой, йил	Охири: ой, йил
1	Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги шаҳарсозлик хужжатлари хулосасини олиш	3-июн 2022й	13-июн 2022й

“Буюртмачи”

“Тиббиёт қурилиш инжиниринг”
давлат унитар корхонаси

Директор В.В.Б.
А.Н.Худайбердиев

М.У.



“Бош лойиҳачи”

“AK-SARAY CONSTRUCTION
PROJEKT” масъулияти чекланган
жамияти

Директор
М.Х.Холиков

М.У.




2022 йил 6.06 даги
01-06-2022 – сонли шартномага
2- илова

ЛОЙИХАОЛДИ ВА ЛОЙИХА СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ


Иш хажми баённомаси

Ишларнинг номи	Асос Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг 09.09.2019 йилдаги № 3180-сонли лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақидаги буйруғи, 2 и 3 иловалар	Коэф фици ент	Ҳисоблаш	Қиймати (сумда)
«Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маъмурий биноси»	$1\ 500\ 000\ 000 \div 300\ 000 = 5\ 000,0$ базавий миқдор $K=2,5\%$ (мурак.тоифаси -II). Бу объект учун пасайтирувчи коэф. $K=0.65$	1,25%	$1\ 500\ 000\ 000 \times 2,5\% \times 0,65$	24 586 960
-Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасидан ижобий экспертиза хулосасини олиш				1 500 000
-Объектнинг атрофини ўраш ишлари	лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш доирасида амалга оширилади			
-Тегишли ташкилотлар билан келишиш	лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш доирасида амалга оширилади			
Жами:				26 086 960
ҚҚС 15%				3 913 043
Лойиҳа тадқиқот ишларининг умумий қиймати		x		30 000 000
30 000 000 (ўттиз миллион) сум ҚҚС билан.				

Директор



М.Х.Холиқов



Ўзбекистон
Республикаси
Курилиш вазирлиги

№ 3557-215F-09F7-7a72-2c19-9351-9730
Хужжат яратилган сана: 2020-07-11
Ариза рақами: 20239211

Хужжат берилган: "AK-SARAY CONSTRUCTION PROJECT"
MChJ
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 307405454

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун
ЛИЦЕНЗИЯ**

"AK-SARAY CONSTRUCTION PROJECT" MChJ га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги объектлар учун қуйидаги:
Ўлик комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари. А гуруҳи Саноат қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик қармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик қармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 11-07-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-001254

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 307405454

Эридик шахснинг почта манзили: Toshkent shahar Chilonzor tumani, Qozirobdod 85-uy, 15-xonadon

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ТУРСУНОВ АСКАР ШЕРАЛИЕВИЧ

Маъжур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги текшириш учун go.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноб рақамини кiritишг вакил мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланган.

7754



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"AK-SARAY CONSTRUCTION PROJECT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"AK-SARAY CONSTRUCTION PROJECT" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

26.05.2020

850869

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307405454

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Qozirobdod 85-uy, 15-xonadon,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):



“Тасдиқлайман”

«Тиббиёт қурилиш инжиниринг»
давлат унитар корхонаси директори
А.Худайбердиев

« _____ » 2022й.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Тиббиёт қурилиш инжиниринг”
давлат унитар корхонасининг танлов комиссия йиғилишининг
2022-06-6/1-сонли БАЁНИ**

2022 йил 6 июн

Тошкент шаҳри

Танлов комиссия йиғилишида қатнашдилар:

- А.Худайбердиев “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК директори -комиссия раиси;
- Р.Каршибоев Лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлими бошлиғи -комиссия аъзоси;
- И.Джураев Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи -комиссия аъзоси;
- У.Алпомишов Бош ҳисобчи -комиссия аъзоси;
- С.Тўраев Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлими бош мутахассиси .

КУН ТАРТИБИ:

“Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича, etender.uzex.uz сайтида 22110012093714 -ЛОТда қўйилган эълонга мувофиқ энг яхши таклифни танлаб олиш мақсадида ўтказилган танлов савдолари якуни бўйича танлов комиссия аъзоларининг муҳокамаси.

(Худайбердиев, Алпомишов, Каршибоев, Джураев, Худайбердиев)

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиғи И.Джураев сўзга чиқиб, “Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича etender.uzex.uz сайтида 22110012093714-ЛОТда қўйилган эълонга мувофиқ 2022 йил 2 июндаги энг яхши таклифни танлаб олиш мақсадида ўтказилган танловдаги электрон баёнига мувофиқ энг яхши таклиф берган “AK-SARAY CONSTRUCTION PROJECT” МЧЖ ғолиб топилагнлигини инобатга олиб белгиланган тартибда шартнома тузиш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Шу билан бирга, ЎРҚ-684 - сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъий риоя қилиш бўйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 22110012093714-сонли ЛОТ иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур 22110012093714-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага қўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, танлов комиссия йиғилишининг 2022 йил 2 июндаги энг яхши таклифни танлаб олиш мақсадида ўтказилган танловдаги электрон баёнига мувофик


Танлов комиссия қарор қилади:

1 “Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маъмурий биносини жорий таъмирлаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича (22110012093714-ЛОТ) “Тиббиёт қурилиш инжиниринг” ДУК ва “AK-SARAY CONSTRUCTION PROJECT” МЧЖ ўртасида қиймати ҚҚС билан **30 000 000 (ўттиз миллион)** сўм, лойиҳа-қидирув ишларини **10** кун муддатда яқунлаш шарт билан шартнома тузиш таклифи бир овоздан макуллансин.

2. Ушбу баённома ижроси Гендер савдоларини ташкил этиш ва хўжалик-шартнома муносабатлари бўлим С.Тўраев ҳамда Молиялаштириш, маркетинг, манзилли дастурларни тайёрлаш бўлими бошлиги И.Джураев зиммаларига юклатилсин.

Йиғилиш баённомасининг тузилиши тўғри деб комиссия аъзолари:

Р.Каршибоев



У.Алпомишов



И.Джураев



С. Тўраев



Yuridik shaxs to`g`risida ma`lumot (Ro`yxatdan o`tkazuvchi va vakolatli organlar ma`lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiy ma`lumot

INN:	307405454
Ro`yxatdan o`tkazuvchi organ:	Davlat xizmatlari markazi
Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan sana:	26.05.2020
Davlat ro`yxatidan o`tkazilgan raqami:	850869
Yuridik shaxsning nomi:	"AK-SARAY CONSTRUCTION PROJECT" mas`uliyati cheklangan jamiyati
Tashkiliy-huquqiy shakli:	152 - Mas`uliyati cheklangan yoki qo`shimcha mas`uliyatli jamiyat
IFUT kodi (Amalga oshirilayotgan faoliyat tur(lar)i):	71120 - Muhandislik izlanishlari sohasidagi faoliyat va bu sohalarda texnik maslahatlar berish
DBIBT kodi:	79994 - Davlat va xo`jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub`yektlari
Kichik tadbirkorlik sub`ektlariga mansubligi:	Ha
Faollik holati:	faoliyat ko`rsatayotgan
Ustav fondi:	1 000 000,000 UZS

Ta`sischilar va ularning ustav fondidagi ulushi haqida ma`lumotlar

1. XOLIQOV MUHRIDDIN XAYRULLO O`G`LI	50,00 %
2. USMONOV NODIRJON ISLOMJON O`G`LI	50,00 %

Kontakt ma`lumotlari

Elektron pochta manzili:	yo`q@mail.ru
Aloqa telefoni:	909163634
MHOBT kodi:	1726294 - Toshkent shahri, Chilonzor tumani
Ko`cha, uy, xonadon:	Qozirobod ko`chasi, 85-uy, 15-xona

Boshqaruvchi haqida ma`lumot

Rahbarning F.I.SH.:	XOLIQOV MUHRIDDIN XAYRULLO O`G`LI
---------------------	-----------------------------------

Yuridik shaxs to'g'risida ma'lumot (Ro'yxatdan o'tkazuvchi va vakolatli organlar ma'lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiy ma'lumot

INN:	206950921
Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ:	Tuman (shahar) hokimiyati
Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan sana:	14.02.2008
Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan raqami:	269
Yuridik shaxsning nomi:	"QARSHI KONSTRUKTSIYA DIZAYN" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Tashkiliy-huquqiy shakli:	152 - Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat
IFUT kodi (Amalga oshirilayotgan faoliyat tur(lar)i):	71110 - Me'morchilik sohasidagi faoliyat
DBIBT kodi:	79994 - Davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub'yektlari
Kichik tadbirkorlik sub'ektlariga mansubligi:	Ha
Faollik holati:	faoliyat ko'rsatayotgan
Ustav fondi:	1 000 000,000 UZS

Ta'asischilar va ularning ustav fondidagi ulushi haqida ma'lumotlar

1. Yarqulov Toshmurot Balxiyevich	75,00 %
2. Muminov Bakir Odilovich	25,00 %

Kontakt ma'lumotlari

Elektron pochta manzili:	YARQULOV@INBOX.UZ
Aloqa telefoni:	912195219
MHOBT kodi:	1710401 - Qashqadaryo viloyati, Qarshi sh.
Ko'cha, uy, xonadon:	Paxtazor mahallasi, 53-uy, 39-xona

Boshqaruvchi haqida ma'lumot

Rahbarning F.I.SH.:	YARQULOV TOSHMUROT BALXIYEVICH
---------------------	--------------------------------